QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 18-aprel, shanba • №16(3806)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2009 йил 15 апрель*

ИФТИХОР

## ФАХРИМИЗСАН, АБДУЛЛА!

**Ўзбек кураши ҳалоллик, бағрикенглик каби ноёб хислатларни ўзида мужассамлагани ва полвонларнинг маҳоратлари билан бутун дунё спорт ихлосмандларининг меҳрини қозонмоқда. Мазкур спорт туридан кўплаб халқаро турнирлар ўтказиш анъанага айланган. Улар сирасига 1993 йилдан буён ўтказилиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирини келтириш мумкин. Жорий йилнинг 10-12 апрель кунлари мазкур мусобақа Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида бўлиб ўтди.**



Ўттиздан ортиқ давлатлардан ташриф буюрган юздан зиёд полвонлар 60, 66, 73, 81, 90 ва мутлақ вазнларда гиламга чиқишди. Беллашувларда республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби жанговар ва ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси, «Шуҳрат» медали соҳиби, майор Абдулла Тангриев мутлақ вазн тоифасида кетма-кет бешинчи бор зафар қучди. У мазкур олий даргоҳдаги курсантлик даврида, ҳозирги хизмат фаолияти давомида ўнлаб нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дунёнинг алпкелбат полвонларининг курагини ерга теккизиб, мамлакатимиз ва ўзбек кураши довруғи юксалишида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Пекин Олимпиадаси кумуш медали соҳиби А. Тангриевнинг финалдаги рақиби бразилиялик Рафаэль Карлос да Сильва бўлиб, у ҳам ҳамюртимизга ўзбек курашида доимий рақиби бўлган юртдоши Карлос Хонорато каби муносиб қаршилик кўрсатди. Тажриба ва техника борасида анча устунлигини исботлаган Абдулла охир-оқибат рақибини енгиб, Президент совринини қўлга киритди.

Абдулла ҳозирги пайтда мактабдаги курсант-спортчиларни турли даражадаги мусобақаларга тайёрлаш билан бирга, ўзи шогирдларига ўрнак кўрсатиб, медаллари шодасини йил сайин бойитиб бормоқда.

Ҳамкасбимизга келажакда дунёнинг энг сара полвонлари иштирокидаги халқаро турнир ва мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасини қўлдан бермаслигини тилаймиз. Юртимиздаги кураш ихлосмандлари қатори олийгоҳимиз жамоаси қалбларига ҳам олам-олам қувонч улашиб, фахр ва ифтихор туйғуларини янада юксалтирсин. Ғалаба муборак, Абдулла!

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**капитан.**

БИЗНИНГ СУҲБАТ

**Бугунги кунда халқ хўжалиги объектлари ва хонадонларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмай туриб, халқимиз осойишталиги ва фаровонлигига эришиб бўлмайди. Шу боис, республика ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда ёнгинларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирлар ташкил этиш, кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор беришаяпти. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Исроил ЮЛДАШЕВ билан ҳозирда амалга оширилаётган ишлар ва соҳани янада такомиллаштириш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирлар хусусида суҳбатлашдик.**



## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ – ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

**– Исроил Исломович, аввало республикамизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва соҳада рўй бераётган ўзгаришлар хусусида сўзласангиз.**

– Маълумки, ички ишлар идораларининг барча соҳалари қатори ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам халқимиз тинч ва хотиржам турмуш кечириши учун бор кучғайратини ишга солаяпти. Кейинги пайтда тизимда катта ўзгаришлар юз берди. Жойларда ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган кенг қамровли профилактик тадбирлар натижасида 2009 йил уч ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнғинлар бир мунча камайишига эришилди. Бу эса ўз навбатида ходимларимизнинг касб-маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, давлат аҳамиятига молик объектлар ва республикамиздаги мавжуд барча хонадонлар мунтазам назоратдан ўтказилиб, аниқланган носозликлар жойида бартараф этилмоқда. Аксарият ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган қисмлар жойлашган бинолар янгидан қурилди, эскилари таъмирдан чиқарилди. Уларда ходимлар самарали хизмат ўташи учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада айниқса, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилди. Яна бир томони, тизим энг замонавий техника ва алоқа воситалари билан таъминланмоқда. Бунинг натижасида тезкорлик ва самарадорлик ошиб бораяпти.

**– Соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

– Республика Ички ишлар вазирлигининг доимий диққат-эътибори туфайли тизимнинг моддий-техника базаси тобора такомиллашиб бормоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Япониянинг «Isuzu» компанияси ва Таиланднинг «CHASE» корпорацияси ҳамкорлигида «Isuzu» русумли юк ташиш автомобиллари шассисида 2 ва 4 тонна сув сиғимига эга бўлган ёнғин ўчириш автомобилларининг экспериментал нусхалари ишлаб чиқарилди. Уларни синовдан ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳри Учтепа ва Юнусобод туманлари ИИБ ЁХБ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларига берилди.

Айни кунларда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ёнғин хавфсизлиги хизматларида фойдаланилаётган Франциянинг «RENAULT – CAMIVA» ёнғин ўчириш машинаси сувни пуркаши ва босими юқорилиги билан аввалгиларидан устунлик қилса, Германиянинг «Metz – DLK 53» русумли автомобили нарвони 53 метр баландликка эга бўлиб, кўп қаватли биноларда ёнғинни ўчириш ва қутқарув ишларини олиб боришда катта қулайликлар яратмоқда. «УзОтойўл» автомобили шассисига ўрнатилган автоцистернали «ИЗЕКО – МАГИРУС» русумли ёнғин ўчириш машинаси ихчам, шаҳардаги тор кўчаларда ҳам бемалол ҳаракатлана олади.

*(Давоми 11-бетда)*

ТАДБИР

## ОМБУДСМАН БИЛАН ҲАМКОРЛИК

***Гулистон шаҳар маърифат ва маънавият марказида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирлиги, Олий суд, Судьялар ассоциацияси, Адвокатлар палатаси ва Тошкент Давлат юридик институти иштирокида «Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.***

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова очди. ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори маслаҳатчиси И. Файзуллин семинардан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида сўз юритди.

Семинар бошланишида «Дунё Омбудсманлари» китобининг тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник А. Саттаров «Инсонларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар идораларининг роли», Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармаси бўлинма бошлиғи, подполковник И. Эшонкулов «Омбудсман минтақавий вакилининг вилоят ИИБ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзусида маъруза қилди.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**
**катта лейтенант.**
*Сирдарё вилояти.*

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

# НАРКОТИКЛАР ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

***Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу иллатга қарши кураш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.***

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳукумат топшириғига биноан мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда 14 апрель куни наркотик моддалар савдосига қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди. Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги заводлардан бирининг домна печларида идоралараро комиссия аъзолари иштирокида 1711 килограмм наркотик воситалар, жумладан, 501,2 килограмм героин, 1104 килограмм опий, 90,5 килограмм наша, 11,3 килограмм марихуана, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похоли, наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар ёқиб юборилди. Ушбу тадбирда БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази етакчи эксперти М. Дулиевнинг айтишича, 1994 йилнинг майида илк бор 14 тонна наркотик модда ёқиш йўли билан йўқ қилинган эди. Мамлакатимизда бу борада ишлаб чиқилган амалиётга мувофиқ, жиноий ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олиб қўйилган гиёҳванд моддалар Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан суд ҳукмлари кучга киргандан сўнг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган домна печларида ёқиб юборилади. Катта миқдордаги наркотик моддалар эса БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинади. Ўзбекистонда 1994 йилдан буён 42 тонна гиёҳванд модда йўқ қилинган.

БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан мазкур воқеани шарҳлар экан, наркобизнесга қарши кураш бўйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У мамлакатимизда мусодара қилинаётган гиёҳванд моддалар ҳажми кўпайгани ва ушбу йўналишдаги ишлар салмоғи ортганини қайд этди ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистонлик экспертлар наркотик моддалар билан боғлиқ ўтган йилги вазиятни изоҳлаб берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва наркотикларни назорат қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аввалгидек, қўшни Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва афғон героини ва опийининг "Шимолий маршрут"га йўналтирилгани республикамизда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашувига асосий сабаб бўлмоқда. Экспертлар наркобизнес билан шуғулланадиган гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларни ҳамон Россия ва Европа мамлакатларига етказиб беришга қаратилганини таъкидламоқда. Бунинг натижасида эса Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида қолаётган наркотик моддалар миқдори кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркоэкспансияга қарши кураш мақсадида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган трансмиллий гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳванд ўсимликлар экиладиган майдонларни йўқ қилиш ҳамда наркоманиянинг ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмоқда.

Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 2008 йил 5 июнда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 44 килограмм опий олиб ўтаётган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 10 июнда эса яна Сурхондарё ҳудудида қўлга олинган Афғонистоннинг Балх вилояти фуқаросидан 71,7 килограмм опий ва 2,3 килограмм героин олиб қўйилди. 4 июль куни Тошкент вилоятида "Нексия" автомашинасини текширувдан ўтказиш пайтида махсус ясалган махфий туйнукда 3,565 килограмм героин ва 6,160 килограмм опий борлиги аниқланди ҳамда олиб қўйилди. 24 июль куни Сурхондарё вилоятида ўзбекистонлик фуқаронинг уйи текширилганда, Тожикистондан отларда айланма йўллар орқали олиб келинган 133,2 килограмм героин борлиги аниқланди ва олиб қўйилди.

Наркотик моддалар асосан чегаранинг назорат қилиш қийин бўлган тоғли участкалари орқали пиёда ва отларда, шунингдек, Амударё орқали ясама қайиқларда олиб ўтилмоқда. Халқаро алоқаларга эга наркобизнес жиноий гуруҳлари фаоллашгани кузатилмоқда. Ушбу гуруҳларда афғонистонликлар етакчи роль ўйнамоқда.

Масалан, 2008 йил 24 февралда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 24,2 килограмм опий олиб ўтган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 14 июль куни шу вилоятда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва у Амударё орқали резина қайиқда олиб ўтган 52 килограмм опий мусодара қилинди. 12 август куни эса яна шу ерда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва Афғонистондан шундай йўл билан олиб келинган 27,4 килограмм опий мусодара қилинди. Афғонистонлик фуқаролардан жами 470 килограммга яқин наркотик моддалар олиб қўйилди.

Транзитчилар наркотик моддаларни мева-сабзавотлар, автотранспортдаги махфий туйнуклар, қўл юклари, маиший буюмлар, кийимлар орасида, ўз танаси ичида яшириб олиб келмоқда. Енгил автотранспорт воситасининг ёқилғи газ баллонларидан шу мақсадда фойдаланилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Мисол учун, 2008 йилнинг 28 майида Бухоро вилояти ЙПХ масканида «Нексия» русумидаги автомашина текширилганда, унинг юкхонасида ўрнатилган ёқилғи газ баллони ичида 28 килограмм героин борлиги аниқланди ва олиб қўйилди. Шу йилнинг 27 июлида эса Бухоро вилояти ҳудудида автомашинанинг газ баллони ичида яширган ҳолда 14,4 килограмм героин олиб келаётган Ўзбекистон фуқаролари қўлга олинди.

2008 йилда республикамиз бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ жами 10200 та жиноят (2007 йилда 9435) аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган комплекс тадбирларга йўналтирмоқда. Бу борада Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Наркология хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситаларида наркомания ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган 970 та чиқиш қилинди, аҳолининг турли гуруҳлари ҳузурида 8665 маъруза ўқилди, 1114 семинар ўтказилди. Ҳудудий ўсмирлар марказлари шифокорлари гиёҳвандликни эрта аниқлаш мақсадида нарколог-шифокорлар билан биргаликда 1 миллион 900 минг нафардан ортиқ ўсмирни тиббий кўрикдан ўтказди. 2008 йилда диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони камайди ва 21439 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда, 1,3 миллион нафардан ортиқ ўқувчи иштирокида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича дарслар ўтказилди. Гиёҳвандликнинг олдини олишга бағишланган 30 мингта плакат ва фильмлар ёзилган 10 мингта диск тарқатилди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик ҳам сезиларли равишда фаоллашди. Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Грузия, Германия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа давлатлар билан икки томонлама шартномалар, МДҲ, ШҲТ, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) доирасида кўп томонлама шартномалар амалга оширилмоқда. Бошқа давлатлар билан ҳам бу борадаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Масалан, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 2008 йилнинг март-май ойларида Афғонистон йўналишида прекурсорлар, асосан сирка ангидриди контрабандасини кузатиш ва унинг олдини олиш бўйича халқаро операциялар миллий сегментини ўтказди. Операциялар Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг прекурсорлар контрабандасининг олдини олиш соҳасида ҳамкорликда ишлаш механизмини ўзлаштириш имконини берди.

2008 йил 8 апрелда Термиз шаҳрида Хитойдан Афғонистонга кетаётган темир йўл контейнери қўлга олинди. Унда, бошқа товарлар ичида яширилган ҳолда, 1600 литр декларация қилинмаган сирка кислотаси борлиги аниқланди. Сентябрда эса Ўзбекистоннинг ваколатли органлари халқаро лойиҳалар доирасида Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида ўтказилган "назоратли етказиб бериш" деб номланган халқаро ўқув операциясида иштирок этди.

Имзоланган шартномалар доирасидаги келишувлар бўйича Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг мувофиқлаштирувчи тузилмалари, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, ЕХҲТ ва бошқа ташкилотлар билан бу борадаги вазиятга оид йўналиш ҳамда ахборот материаллари алмашиш таъминланмоқда.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

АМАЛИЁТ

# КАСБИЙ КЎНИКМАНИ ОШИРИШМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари жойларда амалиёт ўтамоқдалар.

**НАВОИЙ.** Тингловчиларга тажрибали ходимлар мураббий этиб тайинланди. Мақсад уларнинг Академияда олган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашдир. Бу борада бошқарма раҳбарияти томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилиб, амалиёт жараёнининг самарали ташкил этилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Билим амалиётда мустаҳкамланади. Шу боис, бу давр тингловчилар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Негаки, айни дамда олган дастлабки кўникмалари уларнинг келгуси фаолиятларида дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Н. РАҲИМОВА,**
**майор.**

**ГУЛИСТОН.** Маълумки, республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари Гулистон шаҳрида ўтказилади. Сирдарё вилоятига амалиёт ўташ учун келган тингловчилар спорт ўйинлари ўтказилиши мўлжалланган жойларда уюштирилаётган профилактик тадбирларга жалб этилган. Ҳозирги кунда улар катта лейтенант Фарҳод Ҳотамов раҳбарлигида белгиланган режа асосида профилактик тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**
**катта лейтенант.**

**НАМАНГАН.** Вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари ҳамкорлигида ИИБда амалиёт ўтаётган ИИВ Академиясининг 4-курси тингловчилари билан вилоят прокуратураси, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ва ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда тингловчиларнинг иш ўрганиш амалиётини ўташ жараёнида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш ва бошқа масалалар бўйича тушунча ҳамда кўникмалар берилди.

**Ф. МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### МАРСДА МУЗ БОР

АҚШнинг Техас штатида сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганиш бўйича ташкил этилган конференцияда олимлар Марсда муз борлигини маълум қилишди. У ерда музнинг мавжудлиги метеоритларнинг сайёрага зарб билан келиб урилиши натижасида аниқланган.

### ҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ АМАЛИЁТ

АҚШ Мудофаа вазирлиги сомалилик қароқчиларнинг ердаги базаларига ҳужум қилишни ва Сомали ҳукуматига уларга қарши курашда ёрдам беришни режалаштираяпти. Bloomberg тарқатган хабарда айтилишича, Пентагон Сомалига ўзига тегишли қирғоқларни қўриқлаш учун денгиз пиёдаларини тайёрлашда кўмаклашади.

Эслатиб ўтамиз, сомалилик қароқчилар томонидан Аден кўрфазида деярли кунора босқинчилик амалга оширилаяпти.



### ДУНЁНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ АЁЛИ

«Vanti Fair» журналининг ўқувчилари дунёнинг энг гўзал аёли номини айтишди. Нашриёт сайтида хабар қилинишича, актриса Анжелина Жоли сўровда иштирок этганларнинг 58 фоиз овозини олиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

### ТАРТИБСИЗЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Таиланд суди мамлакат мухолифотчиларининг 14 нафар етакчисини ҳибсга олишга санкция берди.

Ҳозирда мамлакатдаги тартибсизликлар бартараф этилган. Бош вазир Апхисит Ветчачива ҳукумат вазиятни ўз назоратига олганини маълум қилди.

### БАҲОРДА ҚОР

Баҳор фасли аллақачон ҳукмронлик қилаётган айни кунларда Эроннинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларига кутилмаганда қор ёғди. Ҳавонинг кескин совиб кетгани боис, мактаблардаги машғулотлар вақтинча тўхтатилди. Мутахассислар бундай паст ҳарорат яна бир неча кун давом этишини маълум қилган.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон – жаннатмонанд диёр. Саховатли заминимизда етиштирилмайдиган ноз-неъматнинг ўзи йўқ ҳисоб. Дастурхонимиз тўкинлиги, ризқи рўзимиз бутлиги мўл-кўл сув ва сахий қуёшнинг тафти билан бирга деҳқон меҳнатига, ерға кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка ҳам боғлиқдир. Зеро, халқимиз ерни боқсанг боғ бўлур, деган нақлни бежиз айтмаган. Унумдор ерғина кутилган мўл-ҳосил бериши кўпчиликка сир эмас.**

Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 16 декабрдаги қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлашга доир қарори ҳамда Ҳукуматимизнинг мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича амалий ҳаракатлар режаси талабларининг бажарилиши юзасидан республика ички ишлар идоралари томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган мазкур хом ашёни ташиш, сақлаш, тарқатилиш ва ишлатилишини назорат қилиш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юклатилган эди. Ана шундан келиб чиқиб, юқорида номлари зикр этилган қарор ва ҳаракат режаси юзасидан кўрсатма тайёрланди ва бажариш учун жойларга юборилиб, ижроси назоратга олинди.

Жорий йилнинг 26 январида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси томонидан 2009 йил ғалла ҳосили учун минерал ўғитларни етказиб бериш даврида уларнинг республикамиздан ноқонуний олиб чиқиб кетилиши, ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва хонадонларда ноқонуний сақланишини олдини олиш, ташиш, сақлаш ва ишлатилишида назоратни кучайтиришга доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур компания билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акционерлик жамиятларида ҳудудий ички ишлар идоралари ходимлари билан ўқув-профилактик семинарлар ўтказилди.

Айни пайтда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акционерлик жамиятларига қарашли аммиакли селитра минерал ўғити сақланаётган омборларнинг барчаси жойлардаги ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимлари билан тузилган шартномаларга асосан ишончли қўриқланмоқда. Таъкидлаш жоизки, минерал ўғитларни кимё корхоналаридан темир йўл транспортида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акционерлик жамиятига қарашли омборхоналар жойлашган темир йўл бекатларигача ташиш жараёнида Транспортдаги ИИБ ҳузурида аммиакли селитра ташилишини кузатиш бўйича ташкил этилган Алоҳида милиция батальони ходимлари томонидан, темир йўл бекатидан омборхоналаргача бўлган масофада эса ҳудудий ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кузатиб борилмоқда. Айниқса, аммиакли селитра ўғитини марказлашган омборлар ва шохобчалардан ширкат ва фермер хўжаликларига олиб бориб сепиш жадвал асосида ички ишлар ходимлари, кимё агрономлари ва маҳалла носбонлари кузатувида амалга оширилмоқда. Минерал ўғит ортилган ҳар бир транспорт воситасининг белгиланган манзилга етиб бориши тўлиқ назоратга олинган.

Алоҳида милиция батальони томонидан 2009 йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида «Фарғонаазот», «Максам-Чирчиқ» ва «Навоийазот» ОАЖлардан «Қишлоқхўжаликкимё» акционерлик жамияти омборхоналаригача 124519,62 тонна, шундан 5692 та вагонда жами 123480,12 тонна ва машинада 1039,5 тонна аммиакли селитра манзилга кузатиб қўйилди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳушёрлиги туфайли тайёр маҳсулотни кимё корхоналаридан омборларга ташигунча бўлган масофа оралиғида минерал ўғитнинг ўғирланиши ва талон-тарож қилинишига йўл қўйилмади. Бироқ маҳсулотни жойлардаги омборхоналарда сақлаш, экин майдонларига сепиш жараёнида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 28 та ўғирлик ва талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланди. Минерал ўғитлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 16 та жиноий иш қўзғатилди. Бундан ташқари, уч нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга тегишли миқдорда жарима солинди.

– Афсуски, қишлоқ хўжалиги экинлари унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган бундай тайёр хом ашёни ўз манфаати йўлида талон-тарож қилувчилар, мўмай даромад илинжида уни пуллашни кўзловчи шахслар ҳам топилиб турибди, – **дейди республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ғайбулла Пармонов.** – Мисолларга мурожаат қилайлик. Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Минерал ўғитларни ташиш, сақлаш, тарқатиш ва ишлатишни назорат этиш бўлими ходимлари ва вилоят Божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда ана шундай ноқонуний «операция» фош этилди. «Фарғона – Чимён» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган А. Режапов, Б. Акбаров, М. Дадабоев ва А. Далабоевлар бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашиналари «Сатторобод» блок-постида текширилганида, уларнинг ҳар бирида 15 тоннадан жами 60 тонна, умумий нархи 17 миллион 228 минг 400 сўмни ташкил этадиган карбомид минерал ўғити борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди. Дастлабки суриштирувлар чоғида ўғит Фарғона туманида яшовчи «Дилшода-Бахтиёр замин» фермер хўжалиги раҳбари Б. Холхўжаевга тегишли экани, у ўғитни нотаниш шахсдан сотиб олгани аниқланди.

Шунингдек, Хоразм вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Гурлан туманида яшовчи Т. Матўрозов укаси О. Матўрозов билан бирга шу туманлик Ж. Тўраевга ҳеч қандай ҳужжатларсиз умумий нархи 4 миллион 793 минг 586 сўмлик етти тонна аммофосни 3 миллион 780 минг сўмга сотаётганлиги аниқланиб, ушланди. Олиб борилган дастлабки суриштирув жараёнида Т. Матўрозовнинг хонадонида сотиш мақсадида сақлаб қўйилган умумий нархи 25 миллион сўмликдан зиёд 63360 килограмм минерал ўғитлар борлиги аниқланиб, уларнинг барчаси далилий ашё сифатида олинди ва ака-ука Матўрозовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Минерал ўғитларнинг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши, четга олиб чиқилиши ва хонадонларда ноқонуний сақланиши бўйича аниқланган ҳолатлар бўйича жавобгарлардан қарийб 85 миллион сўмлик 253 тонна 361 килограмм миқдордаги ўғит мусодара қилинди.

Жорий йил мамлакатимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлаш айниқса, жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқирозлар даврида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, заминимизни озиқлантирадиган, унга қувват бағишлайдиган минерал ўғитларни фақатгина кўзда тутилган мақсадларга хизмат қилишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ана шу масъулиятни унутмайлик.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

ПАЙҲОН

## КАМАРБАСТА БЎЛИШМОҚДА

Ғаллазорлар пайҳон бўлишининг олдини олишда воҳа миришкорларига ички ишлар ходимлари камарбаста бўлмоқда. Ҳозирда баравж ўсаётган майсаларни асраш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фермер хўжаликлари уюшмалари раислари, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда бир қанча тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларга яқин бўлган ғаллазорларнинг атрофи четан деворлар билан ўралди. Натижада қаровсиз қолдирилган айрим чорва моллари томонидан майсалар нобуд қилинишига йўл қўйилмади.

Бундан ташқари, ғалла майдонларини доимий қўриқлаш учун 318 та кузатув масканлари ташкил этилган. Кенг жамоатчилик вакиллари орасидан 1905 нафар дала қоровуллари тайинланган. Улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун вилоят ИИБда иккита ишчи гуруҳи мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Дала қоровуллари автомобиллар юриши қийин бўлган ҳудудларни назорат қилиши учун фермерлар ва мутасадди хўжаликлар томонидан отлар ажратилган. Бироқ жойлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва маҳалла посбонлари олиб бораётган саъй-ҳаракатларга қарамай, айрим боқибеғам фуқаролар ўз чорва молларини қаровсиз қўйиб юбориши кузатилмоқда. Бунинг натижасида вилоятда 225 та пайҳон ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, жарима ундириб олинди.

Масалан, Яккабоғ туманида яшовчи Э. Эргашевнинг 30 бош қўйи ва эчкилари Норбобо Пардаев фермер хўжалигининг 0,50 гектар майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка 202400 сўм зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар туман судига юборилиб, етказилган зарар ундирилди.

Албатта, бу борада жойларда ўтказилаётган «Пайҳон» тадбири катта аҳамият касб этаяпти. Қайд этилган ҳар бир ҳуқуқбузарликка кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида чора кўрилаётгани унинг таъсир доирасини янада оширмоқда.

**Муҳсин ДЎСТОВ,**
**полковник.**
**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

ҲУШЁРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

## ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Алоҳида милиция батальони 6-отряд 2-гуруҳ сардори, катта сержант Соҳибжон Жўрақулов гуруҳ ходими, сафдор Дмитрий Зинченко билан Зангиота туманида жойлашган постга бораётиб, Чилонзор туманидаги «Қатортол савдо маркази» бозорида тўхтайдилар. Дмитрий Зинченко бозорга кираётиб бир йигитнинг харидор аёлнинг чўнтагидан қўл телефонини олганлигига кўзи тушади. Ҳушёр ички ишлар ходими ўғрилик қилган йигитни ушламоқчи бўлади. Буни сезган йигит қўлида лезвия билан унга ташланади. Д. Зинченко чап бериб, қўлидан ушлаб олади. Йигит эса, лезвия билан ўзининг қўл томирини кесишга уринади. Сафдор Д. Зинченко чаққонлик билан уни уриб ерга йиқитади. Бу пайтда катта сержант С. Жўрақулов ҳам етиб келади. Вазиятни тезда англаб, Д. Зинченкога ёрдам беради. Иккови йигитни ушлаб, шу ҳудудда хизмат кўрсатадиган профилактика инспектори, капитан Б. Хонназаровга топшириб, яна хизматга кетадилар.

Маълум бўлишича, қўлга олинган йигит жазони ижро этиш муассасасидан қочган, қидирувдаги шахс экан. Ички ишлар ходимларининг ҳушёрлиги боис, ашаддий жиноятчи қўлга олинди.

**Фурқат АБДИЕВ.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ

**Туркманистон Марказий Осиёнинг қадим тарихга, бой маданият ва юксак маънавиятга эга давлатларидан бири бўлиб, унинг ҳудудидан эрамиздан аввалги VI минг йилликка оид Жайҳун манзилгоҳи харобалари топилган. Эрамиздан аввалги II минг йилликдаёқ бу ерда дастлабки шаҳарлар пайдо бўла бошлаган. Бу даврга хос илк давлатчилик цивилизацияси ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб моддий ёдгорликлар мавжуд. Хусусан, Марғиёна, Бақтрия ва Парфия каби давлатлар минтақада яшаган турли миллат ва элатлар, хусусан, туркманлар тарихи учун ҳам бирдек дахлдор. Ота-боболаримиз эрон ва грек босқинчиларига, араб ҳамда мўғул истилочиларига қарши бир туғ остида мардона курашганлар. Ўтмишнинг кўпдан-кўп талатўп, силсилаларини бошидан кечирган туркман халқи 1991 йилда ўз мустақиллигига эришди ва шу тариқа миллий давлатчилик тарихида мутлақо янги давр бошланди.**

Туркманистон майдони 488,1 минг квадрат километрга тенг бўлиб, аҳоли сони қарийб етти миллион нафарни ташкил этади. Аҳолининг 90 фоизи туркманлардир. Улардан ташқари, бу ерда қирққа яқин турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Пойтахти – Ашхобод шаҳри (аҳолиси 730 минг нафар) кундан-кунга чирой очиб, гўзал шаҳарлардан бирига айланиб бораяпти. Мари, Туркманобод (Чоржўй), Туркманбоши, Тошҳовуз шаҳарлари ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб, йирик маданият ва савдо марказларига айланиб бораяпти.

Давлат тили – туркман тили. Аҳолининг 89 фоизи ислом динининг суннийлик мазҳабига эътиқод қилади. Пул бирлиги – манат.

1991 йил 27 октябрда Туркманистон ўз мустақиллигини қўлга киритган эди ва ҳар йил ушбу сана, шунингдек, 12 январь – Хотира куни, 18 май – Қайта уйғониш, бирлик ва Махтумқули шеърияти куни, 12 декабрь – Нейтралитет куни умуммиллий байрам сифатида нишонланади.

1992 йил 18 майда қабул қилинган Туркманистон Конституциясига биноан мамлакатда президентлик бошқаруви жорий этилган. Амалдаги давлат раҳбари – Гурбангули Бердимуҳамедов. У 2007 йилнинг 11 февралида ўтказилган президентлик сайловларида сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини олган эди. Президент – Давлат раҳбари, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонидир.

Мамлакат Мажлиси (парламенти) 125 нафар депутатдан иборат таркибда сайланиб, доимий асосда ишлайди, уларнинг фаолият муддати беш йил. Мамлакатда ягона сиёсий партия – Туркманистон Демократик партияси рўйхатдан ўтган. Шунингдек, «Галкиниш» («Қайта уйғониш») умуммиллий ҳаракати шакллантирилган.

2007 йилда мамлакатда бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар натижаси ўлароқ, Туркманистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти тубдан янгиланмоқда. 2007 йил 15 февралда Президент таълим тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Унга кўра, ўрта таълим мактаблари 10 йиллик, олий ўқув юртлари эса 5-6 йиллик этиб белгиланди. Шу йилнинг ўзидаёқ мамлакатга илк бора Интернет тизими кириб келди. Фанлар академияси фаолияти қайта тикланди.

Амалдаги ҳукумат жисмоний тарбия ва спорт ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутишини яхши англаган ҳолда 2020 йилгача мўлжалланган Миллий дастур қабул қилди. Унга кўра, ҳудудларда 75 минг ўринга мўлжалланган 212 та спорт мактаблари ва 100 та спорт иншоотларини қуриш, яна илгари бунёд этилган, лекин замон талабларига жавоб бермай қолган 67 та ана шундай биноларни қайта таъмирлаш мўлжалланмоқда.

2008 йилнинг 1 июлидан бошлаб, Туркманистонда ой номлари ва ҳафта кунлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган умумий номланишга қайтди. Бундан ташқари, мамлакат мадҳиясига қатор ўзгартиришлар киритилди, Конституция жиддий таҳрир қилиниб, парламент депутатлигига сайловлар ўтказилди. Мазкур сайловларда илк бора халқаро кузатувчилар иштирок этди. Ушбу жиҳатларнинг барчаси туркман халқининг маънавий оламига жиддий ўзгаришлар олиб кираяпти.

Иқтисодий тараққиёт ҳамиша ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий ва маданий ривожи учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаб келган. Мамлакатнинг турли табиий захиралари ниҳоятда бойлиги иқтисодий тараққиётда бош омил бўлмоқда. Туркманистон ҳудудидаги аниқланган табиий газ захиралари 23 триллион куб метрга, нефть захиралари эса 12 миллиард тоннага тенг. Энергия маҳсулотларининг экспорт нархлари ортиб бориши эвазига ялпи ички маҳсулот ҳажми йилдан-йилга кўпайди.

Саноатда нефть-газ, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат соҳалари етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда ташқи инвестициялар ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Бугунги кунда Туркманистон жаҳоннинг 127 давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган ва 40дан зиёд халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Асосий савдо шериклари – МДҲ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Эрон ва АҚШ.

Қорақум чўлларидан Каспий соҳилларигача, Амударё этакларидан Эрон тоғларигача ястаниб ётган бу бепоён диёрнинг бой тарихи ҳамиша сайёҳларни ўзига мафтун этиб келади. Бинобарин, минг йиллар давомида у Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жанубни ўзаро боғловчи Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Тарихдан яхши маълумки, олис манзиллар сари йўлга чиққан карвонлар Туркманистон ҳудудидаги Намозгоҳ тепа, Олтин Тепа, Қизил Арбат, Кўҳна Урганч, Серахс, Кўҳна Марв, Шоҳсанам каби масканларда тўхтаб ўтган ва аста-секин бу жойлар йирик савдо марказларига айланган.



Кўҳна Марвда Марказий Осиёдаги кўплаб археологик мажмуалар жойлашган. Улар орасида Қизбиби (XI–XII), Султон Санжар (XII), Муҳаммад ибн Зайд (XII) мақбаралари, Асҳоблар мажмуаси (XV) ва Муҳаммад Ҳамадоний масжиди (XVI) катта тарихий аҳамиятга эга. Дунё тарихидаги йирик империялардан бири Хоразмшоҳлар давлати пойтахти бўлган Кўҳна Урганчда (Тошҳовуз вилояти ҳудудида) эса улуғвор меъморий ёдгорликлар ҳамон сақланиб қолган. Ил Арслон ва Текеш (XII) мақбаралари, XII–XIV асрларда қурилган жомеъ масжиди минораси, Тўрабек хоним саройи (XII), Нажмиддин Кубро хонақоси (XII), Султон Али мақбараси (XVI) шулар жумласидандир. Мазкур обидаларда ўрта асрлар меъморчилик санъатининг ноёб анъаналари ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, Лебап вилоятидаги Остона бобо мақбараси (XII) ҳам зиёратчилар билан ҳамиша гавжум бўлади. Балкан вилоятининг Кўҳна Деҳистонида Шир кабир мавзолейи бор. Ашхобод шаҳри яқинидаги Бағир қишлоғи ҳудудида эрамиздан аввалги III ва эрамизнинг III асрида, яъни қарийб 600 йил ҳукм сурган Парфия подшоҳлигининг пойтахти Ниса шаҳри жойлашган эди. Бу шаҳарнинг шуҳрати ўз даврида бутун дунёга тарқалган.

Қадимги туркман адабиёти туркий ва форсий тиллар уйғунлигида ривожланди. Ислом дини ва араб алифбоси кириб келгунга қадар бўлган энг машҳур асар бу «Угизнома» миллий эпосидир. У кўп даврлар мобайнида авлоддан авлодга оғзаки равишда ўтиб келган ва XVI асрда яхлит китоб ҳолига келтирилган. Шунингдек, «Қоркуд бобо китоби» туркман халқининг эрамизнинг дастлабки йиллардан то XV асргача бўлган тарихини қамраб олади. У халқ бахшилари томонидан ижро этилган.

Туркман халқининг маънавияти ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган зотлар талайгина. Ҳилолий Чиғатой (XVI аср), Байрамхон Хонханун ва унинг ўғли Раҳимхон (XVII аср), Мирза Бархудар Туркман (XVII аср), Озодий (1700–1760), Махтумқули (XVIII аср) ва Саидназар Саидий (1775–1836), Мисқинқилич (1847–1906), Ота Солиҳ (1908–1964) ва Дурди Қилич (1886–1950) номлари адабиёт ва шеърият ихлосмандларига яхши таниш. Янги даврда Берди Кербобоев (1894–1974), Омон-Дурди Аламишев (1904–43), Ёкуб Насирли (1899–1958), Нури Байрамов (1933) номлари машҳур бўлди. Улар туркман тили, адабиёти ва маънавияти ривожига катта ҳисса қўшиб, турли даврлардаги муҳим ўзгаришларни қаламга олдилар.

Кўриниб турибдики, бугун Туркманистонда аждодлардан қолган қадимий меъморий обидаларни қайта таъмирлаш ва асл ҳолига қайтариш, миллий ўзликни тиклаш ҳамда ёш авлодни анъана, қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, деб бемалол айта оламиз.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларга тўхталар эканмиз, аввало, қардош ўзбек ва туркман халқларини азал-азалдан умумий тил, ягона маданият, уйғун урф-одат ҳамда анъаналар чамбарчас боғлаб туришини таъкидлаш ўринли бўлади. Бу икки халқ қадим-қадимдан дўст ва иноқ бўлиб, тўй-томошалари ва байраму шодиёналари бирга ўтган, яхши қўшничилик муносабатлари асосида ёнма-ён умргузаронлик қилиб келган. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси, асрий қадриятлари ҳар икки халқнинг ҳам бойлиги ҳисобланади.

Истиқлолга эришгандан сўнг давлатларимиз ўртасидаги ишонч ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган ўзаро муносабатлар янгича мазмунда, шиддат билан ривожланмоқда. 1993 йилнинг 7 январида икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ҳар икки давлат пойтахтида мамлакатларимиз элчихоналари фаолият кўрсатиб турибди.

Ўтган йиллар давомида давлатларимиз ўртасида саккиз бор олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг октябрь ойида давлат ташрифи билан Туркманистонга борган эди. 2008 йилнинг март ва 2009 йилнинг февраль ойларида Президент Гурбангули Бердимуҳамедов юртимизга давлат ташрифи билан келди.

Мазкур ташрифлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ўзаро муносабатларни фаоллаштиришда муҳим туртки бўлди. Ҳозирги пайтда ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларини ўз ичига олувчи 106 та турли ҳужжатлар имзоланган. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон–Туркманистон қўшма комиссияси ташкил этилган ва унинг навбатдаги мажлиси шу йилнинг 12-13 февраль кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

Ижтимоий-маданий соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Мазкур йўналишдаги алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида 2008–2010 йилларга мўлжалланган Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Унинг доирасида ўтган йили юртимизнинг бир қатор шаҳарларида Туркманистон кино кунлари бўлиб ўтди. Ашхобод шаҳрида эса ўн кун давомида Бухоро қўғирчоқ театри гастроли ташкил қилинди. Шунингдек, 2007 йилда Ашхободдаги «Руҳият» ва 2009 йилда «Туркистон» саройларида ўзбек ва туркман санъати намоёндаларининг биргаликда ўтказган концертлари халқларимиз маданияти нечоғли ўхшаш эканлигини яна бир бор исботлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда олтита вилоят ва битта республика Туркманистон маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. 1996 йилда Хива шаҳрида таниқли туркман шоири Махтумқулига ҳайкал ўрнатилди. Юртимиздаги 51 та мактабда туркман тили ўқитилади, 28 та мактабда эса таълим тўлалигича туркман тилида олиб борилади.

Туркманистон Президенти Г. Бердимуҳамедовнинг жорий йилнинг 24-25 февраль кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида пойтахтимиз марказида ушбу давлатнинг кўркам ва ўзига хос меъморий услубда бунёд этилган янги элчихонасининг очилганини халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим давр бошланганининг рамзий ифодаси, деб тушуниш мумкин.



**Абдулазиз ХАСАНОВ.**

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ МУТЛАҚ ВА БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимида давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи – Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлик фаолиятининг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Зеро, бунда ҳар бир ислоҳотнинг ҳуқуқий асослари қанчалик даражада мукаммал бўлиши ва уларнинг амалиётда қўлланилиши парламентда фаолият юритаётган депутатлар ҳамда сенаторларга боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентнинг қарор топиши тарихий ҳақиқатга айланди. У мамлакатимизнинг демократик вакиллик ва қонун чиқарувчи ҳокимият органидир. Бундай вазиятда парламентнинг қонун ижод этиш фаолияти янгича маъно ва мазмун касб этиши табиий. Қонунни ижод этиш (яратиш) – ўта масъулиятли, серқирра ва мураккаб жараён. Маълумки, қонун кучига эга бўлган ҳар бир юридик қоида (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат) ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қудратли кучга айланади.

Қонун ижод этишнинг моҳияти шундаки, унда ҳокимиятнинг ваколатли вакиллик органи (референдумда – бевосита халқ) давлат (халқ, ҳукмрон гуруҳ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Қонун ижодкорлигининг моҳияти ва мазмуни хусусидаги таҳлилимиз тўлиқ ҳамда муфассал бўлиши учун мазкур фаолият замирида ётувчи асосий принципларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги фаолияти бизнингча, жаҳон давлатлари тажрибасининг синовидан ўтган бир қатор асосий принципларга таянади. Уларга алоҳида тўхталамиз.

Қонун чиқарувчи ҳокимият аввало, ҳокимиятлар тақсимланиш принципидан келиб чиқмоғи, Конституцияда белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида мустақил, қатъият ва юксак масъулият билан фаолият юритмоғи лозим.

Парламент коллегиаллик (жамоа бўлиб муҳокама қилиш) принципига асосланиб фаолият юритмоқда. Халқимизда "маслаҳатли тўй тарқамас", деган нақл бор. Бизнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятимиз мана шу фикрга риоя қилиб, бамаслаҳат иш тутмоғи ва ҳар бир депутатнинг қонун яратишда иштирокини таъминлаб, жамият иродасини давлат қарори даражасида шакллантирмоғи лозим.

Қонун қабул қилишда ижтимоий адолат принципи устун бўлиши керак. Айнан одиллик қонун ҳал этаётган муаммони ечишнинг, ижтимоий муносабатни тартибга солишнинг асосий мезони бўлиши, шунингдек, аждодларимиз яратган ҳаётий тажрибага, бой маданий ва маънавий меросга, миллий урф-одат ҳамда анъаналарга ворислик, яъни тарихийлик принципига таяниш мақсадга мувофиқдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш қонун ижодкорлигининг демократик асосда ташкил этилганлигидан далолатдир. Албатта, дуч келган лойиҳани халқ муҳокамасига тақдим этавериш тўғри бўлмайди. Жамиятнинг умумий тақдирига дахлдор муҳим қонунларнинг лойиҳаларинигина умумхалқ муҳокамасига чиқариш мақсадга мувофиқдир. Ўта муҳим, қисқа ва лўнда ишланган, жиддий муҳокамадан ўтказилган қонун лойиҳаларини умумхалқ овозига (референдумга) қўйиш ҳам мумкин.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолиятида қонунийлик принципи муҳим ўрин тутади. Бу принцип қонун чиқарувчи орган учун ҳам, қонунлар ижросини таъминловчи давлат идоралари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва жамоат бирлашмалари учун ҳам бирдек тегишлидир.



Қонунчилик фаолияти илмийлик принципига қатъий таянмоғи даркор. Қонунчилик жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига асосланиб амалга оширилиши зарур. Қонунларни шакллантириш ва баён этишда юридик техникани такомиллаштириб бориш ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлаганидан то бугунги кунга қадар икки юзга яқин қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мутлақ ва биргаликдаги ваколатлари 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, 2002 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мутлақ ваколатлари улар фаолиятини тартибга солишга қаратилган махсус конституциявий қонунларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг 9-моддасида белгилаб берилган. Унга мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатларига:

1) Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш киради.

2002 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради.

Юқорида кўриб ўтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар шакллантирилган.

**Улуғбек АЪЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 20–26-aprel


«O‘ZBEKISTON» ДУШАНБА, 22.40

**«Анна ва қирол». Б/ф. 1-қисм.**



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 21.30

**Ҳинд киноси: «Намастэ, Лондон!»**




# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Ташқи кўринишга эътибор қаратишни маслаҳат берамиз. Молиявий ишлар ҳақида пухта ўйлаб кўрган маъқул. Муомалада қўполлик ва асабийлашиш атрофдагилар билан зиддиятга олиб боришини унутмай, босиқ, хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг.

### СИГИР

Бу ҳафтада янги билимларга эга бўлиб, ҳаётий тажрибангиз ошиши кутилмоқда. Муаммоли масалаларда дўст ва ҳамкорлар кўмагига таяниб, жамоа билан ҳамжиҳатликда амалга оширилган ишлар кутилган натижа беради. Фитна ва ғийбатдан узоқроқ юришга ҳаракат қилинг.

### ЭГИЗАКЛАР

Дўстона муносабатлар жиддий тус олиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кутилмаганда янги ғоя ва мақсадлар юзага келиши кутилмоқда. Таваккал ишларга қўл урмаган маъқул. Алданиб қолмаслик учун фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Кўзланган мақсадларга эришиш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг. Муҳим, масъулиятли вазиятларда дўстлар тажрибасига таяниб, иш тутган маъқул. Шерикчилик шартномалари ва юридик ҳужжатларни кейинроқ ҳал этишни маслаҳат берамиз.

### АРСЛОН

Мазкур бурж эгаларини янги танишув, ишқий саргузаштлар кутмоқда. Мавжуд муносабатларда мураккаблик туғилиши мумкин. «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», мақолига амал қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яхши билмаган ишга қўл урмаган маъқул.

### БОШОҚ

Ҳафта кўнгилли учрашув ва танишувларга тўла бўлади. Янги билимларга эга бўлиш ҳамда ҳаётий тажрибани бойитиш имконияти туғилади. Нотаниш инсонлар билан муносабатда эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз. Саломатликни сақлашга ҳам эътибор беринг.

### ТАРОЗИ

Шахсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Кутилган натижага эришиш учун тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Бу ҳафтада таваккал ўйинларда иштирок этмаган маъқул. Дам олиш ва яхши ҳордиқ чиқаришга вақт ажратишни унутманг.

### ЧАЁН

Шериклар билан мулоқот кўнгилдагидек кечади. Шахсий муносабатларда эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг. Яқин кишингиз билан суҳбат қуриш, биргаликда дам олиш мароқли ўтади. Ишхонадаги муаммо ва ташвишларга тайёр туришни эслатиб қўямиз.

### ЁЙ

Ҳафта давомида сизни романтик кайфият тарк этмайди. Янги танишув ва учрашувларга тайёр туринг. Пул ишлатишда тежамкорлик зарур бўлади. Оила ва хонадонингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун қулай вақт.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Яқин кишингизни оиладагиларга таништиришнинг айни вақти. Ҳафта боши ижодий иш, спорт ва янги танишувлар учун қулай келади. Қисқа сафар чоғида сизни қизиқарли инсонлар билан учрашув ва кўнгилли суҳбатлар кутмоқда. Беҳудага пул сарфлаш ярамайди.

### ҚОВҒА

Янги ишқий танишув учун имкон туғилади. Кўнгилни хира қилувчи хабарларга эътибор бермаган маъқул. Чунки улар сохта бўлиб, қайта текширувга муҳтождир. Катта харид ва кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар омадли кечади.

### БАЛИҚ

Оила маблағи ҳақида жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Дўст ва ҳамкорлар билан кўнгилли суҳбатлар қуриш кутилмоқда. Тадбиркорлик ишларига қўл урмай турган маъқул. Табиат қўйнида дам олиш имкони бўлади. Бундай ҳордиқ соғлиқ ва яхши кайфият учун жуда муҳимдир.

## «O'zbekiston»

Профилактика муносабати билан душанба, 20 апрель куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.25 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар».
16.50 «Очун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Стандарт ва сифат».
«Болалар сайёраси»:
17.30 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Довюрак самурай». Т/с.
22.30 «Иқлим».
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Анна ва қирол». Б/ф. 1-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Сазиле тошбақалари».
00.15 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Бир кун».
00.50 «Ҳаёт манзаралари».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 ТВ - анонс.
01.35 «Обод манзиллар».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

***Қадрли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан, 20 апрель куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.***

14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Камолот».
15.10 «Ўзбек адабиёти».
15.15 «Ранглар рақси».
15.55 «Ардоқ».
16.00 «Давр».
16.10 «Илҳом қанотлари».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
16.55 «Қувноқ оҳанглар».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.30 «Адабиёт дарси».
18.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.50 «UzEX».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Бугундан эсдалик».
20.40 «Навбатчи».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Автопатруль».
22.55 «Миллий мерос».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Олтин шаҳар излаб». 8-қисм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент – 2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.45 «Анонс».
19.50 «Интервью» (рус).
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Кино: «Пришельцы».

## «Sport»

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 20 апрель куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар». (рус).
18.55 «Диёримиз табиати». Ҳужжатли фильм.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.55 Кураш. Ат-Термизий халқаро турнири.
21.00 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 8.15 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.35, 2.05 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.25 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.25 Понять. Простить.
14.15 «Хочу знать».
14.50 «Давай поженимся!».
15.55 Федеральный судья.
17.20 Т/с «СЛЕД».
18.05 «Жди меня».
18.55 «Богатая и любимая». Фильм.
20.00 «Время».
20.30 «Шальной ангел». Фильм.
21.35 «Дикие дети».
22.35 «Познер».
23.55 Гении и злодеи.
0.30, 2.05 Фильм «Библия».

## «Россия»

Профилактика.
10.50 Мультфильмы.
11.05, 13.40 Фильм «Криминальный талант».
13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.45 Вести.
15.00 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Телесериал.
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Телесериал.
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Телесериал «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ».
21.50 «Городок».
23.10 Фильм «Выше холма».
1.05 Фильм «Три короля».
2.55 Комната смеха.
3.40 «Ха». Маленькие комедии.

## НТВ

5.00 «Сегодня утром».
8.00 Квартирный вопрос.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.
9.25 Чистосердечное признание.
10.00 Следствие вели.
11.00 Суд присяжных.
12.35 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».
14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.
15.30 Сериал «ЧАС ВОЛКОВА».
18.40 Сериал «ЛИТЕЙНЫЙ».
20.40 «Честный понедельник».
21.40 «ТЫ НЕ ПОВЕРИШЬ!».
22.25 Сериал «ФОРМУЛА СТИХИИ».
23.20 «Школа злословия».
0.15 «Футбольная ночь».
0.45 Фильм «ИМПУЛЬС».
2.55 Комедия «ГРЯЗНЫЙ СТЫД».
4.15 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
10.00, 19.05 «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА». Телесериал.
11.00 «Городские легенды. Краснодар. Проклятие древних захоронений».
12.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА». Телесериал.
16.00, 3.00 «Разрушители мифов».
16.50 «Упс!»
17.15 Сериал «ПСИ-ФАКТОР».
18.10 «ВАВИЛОН 5». Телесериал.
20.00 Сериал «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА».
21.00 «Тайные знаки. Последний полет изменника Родины».
22.00 «Затерянные миры».
23.00 Фильм «ВОССТАВШИЙ ИЗ АДА».
1.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА». Телесериал.
2.00 Сериал «ПСИ-ФАКТОР».
4.00 Фильм «СМЕРТНИК».
6.45 Relaкс.

## ТНТ

5.00 «Антология юмора».
5.55 «Наши песни».
6.00, 13.00, 18.00 Такси.
6.30, 10.00 «Никелодеоны».
7.00 «Привет! Пока!»
7.30 «Убойная лига».
8.30 «Убойной ночи».
9.00 «Женская лига». Комедия.
9.30, 12.30, 17.00, 18.30, 19.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
13.30, 20.00, 23.15, 3.50 «Дом-2».
14.30 «ВО ИМЯ КОРОЛЯ». Фантастика.
17.30, 19.30 «УНИВЕР». Ситком.
21.00 Комедия «АСТЕРИКС НА ОЛИМПИЙСКИХ ИГРАХ».
23.45 «Убойной ночи».
0.20 «ЛЮБОВЬ НА РАЙОНЕ». Комедия.
0.50 Клуб бывших жен.
1.50 «ПРЕДСТАВЬ НАС ВМЕСТЕ». Комедия.
4.45 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

Профилактика.
15.00 Мультсериалы.
16.30 Комедия «ХАННА МОНТАНА».
17.00 «Галилео».
18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
19.30, 0.45 «6 кадров».
21.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.
22.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеди.
23.00 Кино «ШАЛУН».
1.00 Истории в деталях.
1.30 «Кино в деталях».
2.30 Кино «ЭДИСОН».
4.20 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Х/ф.
6.10 Музыка.

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 Тысяча мелочей.
8.30 Мультфильмы.
9.30, 13.30, 1.00 «Состав преступлений».
10.00, 15.00, 22.00 «Вне закона».
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ».
11.30 Фильм «КИТАЙСКИЙ СЕРВИЗ».
14.00, 18.00 Судебные страсти.
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-3».
16.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК. СПЕЦИАЛЬНЫЙ КОРПУС-6».
19.30, 23.00 Детектив «СЛЕПОЙ».
20.30 «Смешнее, чем кролики».
21.00 «Брачное чтиво».
1.30 «Карданный вал +».
2.00 Детектив. «МЕРТВАЯ ЗОНА».
3.00 Клуб детективов.
5.00 Детектив «ЛАС-ВЕГАС».
6.00 Комедия «АГЕНТСТВО «АЛИБИ».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05, 20.05 KOTV: классика бокса.
12.05, 19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.
12.35 Предельная глубина.
13.05 Гандбол. Чемпионат России. Суперлига. Женщины. «Звезда» (Звенигород) - «Ростов-Дон».
14.05 Планета рыбака.
14.20 Спорт собак.
14.35 Море дайвинга.
15.05 Футбол. Кубок Англии. Полуфинал: «Manchester United» - «Everton».
17.20 Экстрим: начало века.
18.05 Бега и скачки.
18.35 Под водой с...
19.20 Off-Road Drive.
19.35 Звезда автострады.
21.05, 1.35, 5.05 Мировой футбольный уик-энд.
21.20 Итальянский футбол. Обзор серии «А».
22.20 Классика: Премьер-лига. «Newcastle» - «Manchester Utd.» (20.10.1996).
23.05 Дартс.
0.05 Wrestling: опасная зона.
0.35 Диалоги о рыбалке.
2.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.15 Outrageous and Courageous.
5.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 Миллий кино: «Ойижон». 1-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Ўрмон эртаклари». М/ф.
9.10 «Давосиз дард бўлмас».
9.30 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зие» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маурит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Адолат тарозиси». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Рўё». Б/ф.
16.45 «Минг бир маслаҳат».
«Болалар сайёраси»:
17.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.30 «Ҳаёт манзаралари».
17.40 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Умр мазмуни».
19.00 «Рангин дунё».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.40 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Саёҳатга марҳабо!»
22.05 «Шаҳзода ва мен». Б/ф.
23.35 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

23.45 «Умр мазмуни».
00.15 «Шарқ тароналари».
00.35 «Саёҳатга марҳабо!»
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Минг бир маслаҳат».
01.50 «Рангин дунё».
02.10 «Ёшлар майдони».
02.40 Миллий кино: «Мафтунингман».
04.00 «Ахборот».
04.35 Миллий кино: «Кўзларинг маъюс». 1-қисм.
05.35 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Қадрдон қўшиқлар».
7.35 «Мультипанорама».
7.45 «Ўзбек адабиёти».
7.50 «Илҳом қанотлари».
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.
8.55 «Улуғ неъмат».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ думбоқчалар».
9.20 «Қувноқ ўрмонча».
9.30 «Сувни асранг!»
9.35 «Yoshlar-FM».
9.55 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 Кино: «Қизғалдоқ».
11.55 «Ўзбек адабиёти».
12.00 «Тошкент тароналари».
12.10 «Қасамёд». Т/с.
12.55 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Айланай...»
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
14.35 «Шарқ гўзали».
14.40 «Тараннум».
15.20 «Ўзбегим матолари».
15.40 «Тошкент – 2200».
15.45 «Олтин тупроқ».
15.55 «Ардоқ».
16.00 «Давр».
16.10 «Чемпион».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
16.55 «Юртим юраги».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.45 «Навбатчи».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Кўзгу». Ҳажвия.
20.45 «Ўзбек адабиёти».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Жаҳон киноси: «Сен гапирма!»
23.50 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».
9.00, 18.05, 21.55 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Аёл қалби».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус).
10.40 Т/с «Милагрос» (рус).
11.10 «Репортаж» (рус).
11.20 «Афиша». (рус).
11.30 Кино: «Как украсть миллион». 2-қисм.
12.45 «Открытая дверь».
13.15 «Тошкент-2200». (рус).
13.20 Мультфильм: «Маугли».
15.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
15.20 «Саломат бўлинг».
15.40 «КИНОТАКДИМ».
16.05 Кино: «Фериде».
17.55 «Афиша».
18.20 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».
19.20 Бизнес- «Пойтахт».
19.25 Болалар учун: «Карвонсарой».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Интервью».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Тошкентда латифа».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Мысли вслух».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 Кино: «Вкус жизни».

## «Sport»

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.25 «Фудзи». Документальный фильм.
10.00 «Хабарлар».
10.30 «Галактический футбол». Мультсериал.
11.00 «Фоторевю».
11.20 Интерфутбол.
13.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
17.30 ФУТБОЛ. «БУНЁДКОР» – «ОЛМАЛИҚ».
19.20 «Хабарлар» (рус)
19.40 «Военное дело».
20.00 «Файтер».
20.25 От спорти.
21.00 «Хабарлар».
21.25 ФУТБОЛ. «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» – «ТОТТЕНХЭМ».
23.30 «Ring»да Майк Тайсон - Жеймс Тиллис.
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 Гении и злодеи.
5.40 Детектив «Трактир на Пятницкой».
7.25 «Играй, гармонь любимая!».
8.05 «Слово пастыря».
8.20 «Здоровье».
9.20 Смак.
10.00 «Николай Гоголь. Тайна смерти».
11.10 «Дикие дети».
12.15 Фильм «Тайны мадам Вонг».
13.55 «Наполеон. Жизнь и смерть».
17.00 «Эдуард Хиль. Сто хитов короля эстрады».
18.00, 20.15 «Ледниковый период: Глобальное потепление».
20.00 «Время».
21.25 «Прожекторперисхилтон».
22.00 Фильм «Люди Х».
23.45 Фильм «Жанна Д'Арк».
2.30 Комедия «Женщина сверху».
3.50 Сериал «Внезапная удача».

## «Россия»

4.20 Фильм «Старшина».
5.50 Вся Россия.
6.00 Сельский час.
6.30 Диалоги о животных.
7.00, 10.00, 13.00, 19.00 Вести.
7.20 «Военная программа».
7.45 Субботник.
8.20 Фильм-сказка «Как Иванушка-дурачок за чудом ходил».
10.20 «Формула власти». Харальд V - король Норвегии.
10.50 Очевидное - невероятное.
11.20 Комната смеха.
12.15 Сенат.
13.30 Детектив «Наградить (посмертно)».
15.05 Субботний вечер.
17.00, 19.45 Фильм «Начать сначала. Марта».
21.30 Фильм «40».
23.10 Боевик «Иностранец-2: Черный рассвет».
0.50 Детектив «Империя волков».
3.00 Комната смеха.
3.45 «Ха». Маленькие комедии.
4.00 Дневник Чемпионата мира по хоккею.

## НТВ

4.50 Фильм «СИНДБАД-МОРЕХОД».
6.10 Мультсериалы.
6.30 Сказки Баженова.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
7.20 «Золотой ключ».
7.45 «Без рецепта».
8.20 Смотр.
9.20 Главная дорога.
9.55 Кулинарный поединок.
11.00 Квартирный вопрос
12.25 Особо опасен!
13.05 «Кремлевские похороны». АНДРЕЙ ВЫШИНСКИЙ».
14.05 Своя игра.
15.25 «Женский взгляд».
16.00, 2.05 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
18.25 Профессия – репортер.
18.50 «Программа максимум».
19.45 «Русские сенсации».
20.40 Ты не поверишь!
21.25 Боевик «РОНИН».
23.40 Фильм «ШОУ ГЕЛЗ».
3.35 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»

## ТВ 3

7.00 Мультфильмы.
10.30 Фильм «НА ЗЛАТОМ КРЫЛЬЦЕ СИДЕЛИ».
12.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА». Телесериал.
14.00 «По следам Индианы Джонса. Рождение Голливуда».
14.20 «Метеориты: огонь в небе».
16.20 Фильм «МЕТЕОР».
20.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВОЙНЫ. ВОЙНЫ КЛОНОВ». Телесериал.
21.00 Фильм «ПОСВЯЩЕНИЕ САРЫ».
23.00 Фильм «НЕПОБЕДИМЫЙ».
1.00 Сериал «ВНУТРЕННИЙ СТРАХ».
3.00 Фильм «ПОЛЕТ ЖИВЫХ МЕРТВЕЦОВ».
5.00 Комната страха.
6.00 Релакс.

## ТНТ

5.00 Мультсериалы.
7.25 «САША + МАША». Комедия.
8.00, 20.00, 0.45 «Дом-2».
9.00 «Школа ремонта».
10.00 «Слуги».
11.00 «Демоны».
12.00 Клуб бывших жен.
13.00 «Cosmopolitan».
14.00 «Comedy Woman».
15.00 Кино «ШИРОКО ШАГАЯ».
16.30, 22.30 «Убойная лига».
18.00 «Женская лига». Комедия.
18.30 «Атака клоунов». Шоу
19.00 «Битва экстрасенсов».
21.00 «Комеди Клаб».
22.00 «Наша Russia». Комедия.
23.40 «Убойной ночи».
0.15 «Секс» с Анфисой Чеховой.
1.15 Клуб бывших жен.
2.15 «ВЕРХОМ НА РАКЕТЕ». Комедия.
4.15 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

7.00 «РОМАН МЕРФИ». Х/ф.
9.00, 11.45, 14.00 Мультфильмы.
10.00 «Детские шалости».
12.00 Кино «НОВЫЕ РОБИНЗОНЫ».
17.00, 0.20 «6 кадров».
18.15 Кино «ЗАКОЛДОВАННАЯ ЭЛЛА».
20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
22.00 Кино «СЕРДЦЕЕДКИ».
0.50 «Даешь молодежь!»
Комедия.
1.00 Кино «ГОРДОСТЬ И ПРЕДУБЕЖДЕНИЕ».
3.40 Кино «АКУЛЫ-2».
5.30 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
6.15 Музыка.

## ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00, 14.30 «Как уходили кумиры». «Леонид Марков».
9.00 Тысяча мелочей.
9.20 Предприниматель.
9.30 Мультфильмы.
12.30 Фильм «ТЕЛО».
15.30 Фильм «ДЖИНКО: ЛЕГЕНДА О ВОИНАХ».
18.30 Судебные страсти.
19.30, 23.00, 3.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00, 1.00 «Брачное чтиво».
21.00 Фильм «ПРИКАЗАНО ВЗЯТЬ ЖИВЫМ».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ-6».
1.30 Фильм «АМСТЕРДАМСКИЙ КОШМАР».
4.00 Клуб детективов.
6.00 «Каламбур».

## 7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05, 20.05 Классика: NHL.
12.05, 19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!
12.20, 17.05, 21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.
12.35 Охота в Новом Свете.
13.05, 21.05 Диалоги о рыбалке.
13.20 Воздушные гонки. Обзор 1-го этапа (Абу-Даби, ОАЭ).
14.05 Автоспорт России.
14.20 Superstars Championship. Обзор 1-го этапа (Имола, Италия).
15.05 Настольный хоккей.
15.20 Volvo Ocean Race.
16.05 Off-Road Drive.
16.20 Wrestling: опасная зона.
17.20 Ралли-рейды России.
17.35 Звезда автострады.
18.05 Классика: Премьер-лига. «Manchester Utd.» - «Wimbledon» (17.10.1998).
18.35 Киберспорт.
19.20 Охота в Новом Свете.
19.35 История NHL.
21.20 Планета рыбака.
22.20 Экстрим: начало века.
23.05 Пул.
0.05 Покер.
1.35, 5.15 Outrageous and Courageous.
2.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Только не это!
5.30 Спортивная неделя Подмосковья.
5.45 Спорт собак.

«ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

# ОЙЛИК ТУГАДИ, ҲУШЁРЛИКНИ УНУТМАЙЛИК!

***Йўлларимизда транспорт оқими кун сайин эмас, соат сайин ортиб бораётир. Янги-янги машиналар уни янада тўлдириб, кенгайтириб боряпти. Ҳаракатнинг тўхтовсиз, шиддаткор оқимини оқилона бошқариш, ҳаракат иштирокчиси бўлган ҳайдовчию йўловчи, пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, меҳнати эвазига келган транспорт воситасининг шикастланишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукуматимиз ва ИИВ ЙҲХББ томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилялти.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги Фармойишига биноан юртимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» нинг ўтказилиши ҳам мана шундай тадбирларнинг биридир. Мазкур тадбирга республика ИИВ ЙҲХББ, ҲООББ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, мутасадди ташкилотлар ва идоралар жалб қилинди.

Маълумки, ҳар бир ишнинг дебочаси тушунтириш, тарғибот-ташвиқот юритишдан бошланади. Шу маънода ойликнинг мазмун-моҳияти ҳақида маҳаллаларда 12 минг, меҳнат жамоаларида 10 минг, ўқув муассасаларида 7 мингга яқин учрашув ва суҳбатлар, мулоқотлар уюштирилди. Тадбирлар чоғида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузган ҳайдовчилар, содир этилган нохуш автоҳалокатлар таҳлили муҳокама этилди. Муҳокамаларда бевосита қоидабузарларнинг ўзлари иштирок этиши, жамоанинг таъсири ва бошқа тегишли чоралар кўрилиши таъминланди.

Йўллардаги қоидабузарликларни аниқлаш, шу билан бирга, йўл белгилари, жиҳозларини назорат қилиш мақсадида тўрт юздан ортиқ махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан 12 мингдан ортиқ рейдлар уюштирилди.

Йўллардаги автоҳалокатлар доимо ҳам ҳайдовчи ёки йўловчининг эҳтиётсизлиги, бепарволиги туфайли содир бўлавермайди. Айрим ҳолларда йўллар, йўл белгиларининг эскирганлиги, яроқсиз ҳолга келганлиги ҳам сабаб бўлади. Рейдлар давомида 12 минг км. автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилиб, 3 мингга яқин йўл белгилари ўрнатилган бўлса, 1521 км. йўл чизиқлари тортилди. Шунингдек, йўллар ҳолатига доир аниқланган камчиликлар бўйича ҳокимликлар, йўл ва бошқа мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳушёрликни оширишгани боис тадбир давомида 62688 та қоидабузарлик аниқланди. Шундан 10994 таси маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, 71111 таси тезликни белгиланган меъёрдан ошириш каби қўпол қоидабузарликлардир.

Юртимизда ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида уяли телефонлар, монитор ва видеомосламалардан фойдаланиш тақиқланишига қарамай, 10 мингдан ортиқ уяли телефон, 2930 та монитордан фойдаланиш ҳолати аниқланди.

Маълумки, ҳаракат пайтида хавфсизлик камарларини тақиш мажбурийлиги ўтган йилдан буён амалда. Бироқ бу кўрсатмани бажармай ўзи ва йўловчиларининг ҳаётини хавф остига қўювчи ҳайдовчилар 114310 нафарни ташкил этди. Қоидабузарларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилган.

Юртимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлиги, фуқаролар соғлиғи ва мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган тадбирга кенг жамоатчилик, фуқароларнинг онгли тарзда ёндашганлиги сабабли йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,3, унда жароҳатланганлар 19,1, ҳалок бўлганлар эса 19,4 фоизга камайди. Чунончи, болалар иштирокида содир этилган бахтсиз ҳодисалар ҳам ўз навбатида 30,4, ҳалок бўлганлар 43,3, жароҳатланганлар 25,7 фоизга камайишига эришилди.

Юқоридаги натижалар кишини қувонтиради, албатта. Бироқ кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан эришилган бу ютуқдан кифояланиш нотўгри. Ойлик тугади, дея ҳушёрликни унутмайлик. Зотан, мазкур тадбир куч бирликда эканлигини яна бир бор исботлади. Шу боис, ўзимизнинг, фарзандларимизнинг йўлларда азият чекиб, майибу ногирон бўлиб қолмасликлари, кўп йиллик меҳнатимиз эвазига келган автомашиналар эса бир уюм кераксиз матоҳга айланиб қолишининг олдини олиш ҳаммамизга боғлиқ.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**подполковник.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ИИВ Академиясида республикамизда ўтказилган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида «Йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал билиш – ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда профессор-ўқитувчилар, тингловчилар, шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник С. Тасходжаев ва бошқалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар йўл ҳаракати қатнашчилари олдида турган вазифалар, кўчаларда ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқа масалаларга тўхталди. Анжуман иштирокчиларига Академия йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ томонидан суратга олинган лавҳалар намойиш этилди.

**Р. ДИМЕТОВ,**
**подполковник.**

БИЗНИНГ СУҲБАТ

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ – ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шунингдек, жойларда давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан 32 та ёнғин ўчириш, 18 та енгил, 9 та юк ташиш автомобиллари капитал таъмирдан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, хизматни жаҳон андозалари даражасида ўташ учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

**– Хизматдаги илғор усуллар ва тажрибалар қай йўсинда тарғиб қилинаяпти?**

– Бу борада кўргазмали семинарлар, конференциялар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар муҳим омил бўлмоқда. Республикамиздаги умумтаълим ва мактабгача тарбия муассасаларида 342 маротаба викторина ва танловлар ўтказилди, 23563 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил қилинди. Бундан ташқари, кинотеатрларда ҳар бир кинофильм олдидан, шунингдек, шаҳримиздаги чорраҳаларда ўрнатилган реклама экранлари орқали видеороликлар намойиш этилмоқда. Ёнғин хавфсизлигини кенг тарғиб қилиш мақсадида махсус теле-кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрланаётганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар ёнғинлар сони камайишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

**– Жойлардаги ўрнак олса арзийдиган қисмлар ва ёнғин ўчирувчилар тўғрисида тўхталсангиз.**

– Бу ҳақда гап кетганда, «Энг яхши ёнғин хавфсизлиги қисми биноси» республика кўрик-танловига тайёргарлик кўриш жараёнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Кўрик-танлов натижасига кўра, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ ЁХБ 6-ҲЁХҚ, Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХҚ ва Бухоро вилояти Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХҚ ёнғиндан муҳофаза қилувчи энг яхши ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ИИБ ЁХБ 8-КЁХҚ, Хоразм вилояти Шовот тумани ИИБ ЁХБ 5-КЁХҚ, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ИИБ ЁХБ 24-КЁХҚ эса ёнғиндан муҳофаза қилувчи энг яхши касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми, деб топилди.

Соҳамизда узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, касбини ардоқлаб келаётган ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қарши шаҳар ИИБ катта ёнғин ўчирувчиси Зафар Қуватов II даражали «Шон-шараф» ордени, Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ катта ёнғин ўчирувчиси Маҳмуд Бозоров ва Самарқанд шаҳар ИИБ ЁХБ катта ёнғин ўчирувчиси Абдураҳим Тўхтамишев «Жасорат» медали билан мукофотланди.

**– Ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлиги қандай юксалтирилмоқда?**

– Юксак касбий ва жанговар тайёргарликка эга ходимгина ўз олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада уддалайди. Бунга жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Бухоро вилоятида бўлиб ўтган ёнғин ўчириш амалий спорти мусобақаси мисол бўла олади. Бунда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларини кутилмаган вазиятларда маҳорат кўрсатиб, ёнғин ўчириш воситаларини тезкор ва чаққонлик билан қўллаши, инсонларни ёнғиндан қутқариши, давлат ва фуқаролар мол-мулкини ёнғин хавфидан сақлаб қолишдаги касб-маҳорати ҳамда бошқа жиҳатларга эътибор қаратилди. Шунингдек, соҳада фойдаланилаётган тирсакли кўтаргич, автонарвон ва махсус автомобилларни бошқариш бўйича Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд ва Андижон вилоятлари базаларида машғулотлар ўтказилди. Ўтган йили Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ базасида «Ёнғин ўчириш автомобилининг энг яхши ҳайдовчиси» республика мусобақаси ташкил этилгани ҳам ходимларнинг жанговарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Республикамизнинг барча вилоятлари ИИБ ЁХБларида ўтказилаётган турли йўналишлардаги семинарлар ходимларнинг касб-маҳорати ва билимини оширишга қаратилаяпти. Бундай тадбирларда айниқса, илғор технологиялар намойиш этилиб, ўзаро тажриба алмашиш яхши самара бермоқда.

**– Ҳозирда белгиланган вазифаларни бажаришда ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қўл келаяпти. Шундай эмасми?**

– Тўғри айтдингиз. Бош бошқарма ва унинг қуйи тизимларида профилактика инспекторлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларни аниқлаш борасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4207 маротаба рейдлар ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган 3198 нафар масъул раҳбарлар ва фуқароларга маъмурий чора кўрилди.

**– Мавжуд муаммолар қай йўсинда ҳал қилинаяпти?**

– Айрим фуқароларимиз томонидан ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида кириш йўлакларида турли сунъий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида ёнғин ўчириш техникаларининг тезкор ҳаракатланишига халақит бераяпти. Чунки белгиланган манзилга айланма йўллар орқали ўтилиб, қимматли вақт йўқотилмоқда. Бу борадаги муаммолар ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва профилактика инспекторлари билан биргаликда бартараф этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардимки, ёнғин у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, фуқаролар азият чекиши, моддий ва маънавий зарар кўришига олиб келади. Шундай экан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш барчанинг иши эканлигини унутмайлик. Ҳар биримиз зиммамиздаги бурчга амал қилсаккина халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаган бўламиз.

**Суҳбатдош: Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**

КЎРИК-ТАНЛОВ

**Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари, халқ хўжалиги тармоқлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, уларни муҳофаза қилишни барқарорлаштириш мақсадида «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Навоий кон-металлургия комбинати ЁХБда бўлиб ўтган биринчи босқич ғолиблари қатнашди.**

# ҚИЗҒИН БАҲСГА АЙЛАНДИ

Иштирокчилар «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК марказий шифохонасида ўқув ёнгин-техник текшируви ўтказиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асосли тавсиялар бериш бўйича ўзаро беллашишди. Шундан сўнг махсус тест саволларига жавоб қайтариб, касб маҳорати ва билим савияларини намойиш этдилар.

Танлов давомида биринчи босқич Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБда яхши ташкиллаштирилиб, юқори савияда ўтказилгани ўз тасдиғини топди. Иккинчи босқичга келсак, ходимлар томонидан масканда ўқув ёнғин-техник текшируви ўтказилиб, унинг якуни бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. Натижада Сирдарё, Наманган, Навоий кон-металлургия комбинати, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент шаҳри вакиллари тўлдирган ҳужжатлар нисбатан сифатли ва қонун-қоидаларга асослангани аниқланди. Тест синовлари якуни бўйича Тошкент шаҳри, Наманган, Навоий кон-металлургия комбинати, Самарқанд, Қашқадарё ва Фаргона вилоятларидан ташриф буюрган ходимлар юқори балл тўплашга эришди.

Қизғин баҳсга айланган танлов якунига кўра, республика ЁХББ тизимидаги «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси» деб Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант Алишер Ҳакимов топилди. Унга ИИВ ЁХББнинг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Иккинчи ўринни Наманган вилояти Норин тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан Акмалжон Боқиев эгаллади. Учинчи ўринлар эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 6-ҲЁХҚ ёнғиннинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, кичик сержант Суҳроб Баширов ва Навоий кон-металлургия комбинати 1-ҲЁХО катта муҳандиси, сержант Жасур Умировга насиб этди.

**Даврон ҚАМБАРОВ,**
**майор.**

ХАТЛАР ШАРҲИ

# МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ ЎЙГА ЧОРЛАЙДИ

Таҳририят сиз, азиз муштарийлардан ҳар куни турли мавзуларда хат-хабарлар олади. Уларнинг аксариятида ички ишлар идоралари ходимларининг машаққатли, шу билан бирга шарафли хизмати қаламга олинган. Ана шундай мазмундаги хатлардан бирини фарғоналик **Абдувосит Сиддиқов** йўллаган. Унда вилоят ИИБ ЭКБ катта эксперти Зуҳра Муҳамедзянованинг ҳар қандай топшириқни аъло даражада бажариб, ички ишлар фахрийлари бўлган бувиси ва онасининг ҳаёт йўлини давом эттираётгани ҳақида сўз боради.

Президентимизнинг ташаббуси билан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номлангани юртдошларимизни руҳлантириб юборди. Шу муносабат билан жойларда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари авж олди. «Дўстлик маҳалласи фаоллари қатори профилактика инспекторлари, **капитан Азамат Рўзимбетов** ва **лейтенант Мансурбек Нуратдинов** ҳам гўшани кўркам, обод қилишга муносиб ҳисса қўшишаяпти, деб ёзади Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидан **Зулайҳо Аллашова**. – Ана шундай осойишталик посбонларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди». Шунга ўхшаш мазмундаги номалар Самарқанд вилояти Ургут туманидан **Узоқ Омонов**, Иштихон туманида яшовчи **Зофир Файзиевдан** ҳам келди.

Ёнғин хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, хонадонга моддий зарар етказади. Шундай экан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб яшаш тинч, осуда ҳаёт кафолатидир. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, баъзан эҳтиёткорликни унутиб, атрофидагиларнинг азият чекишига сабаб бўлмоқда. Республика ИИВ ЁХББ муҳандислари, **лейтенантлар С. Атамуҳамедов, Ж. Раҳимжонов,** Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, **капитан А. Иргашев,** вилоят ИИБ ЁХБ гуруҳи кўмакчилари **Зарина Насриева, Машҳура Мирзаева,** Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ марказ бошлиғи, истеъфодаги подполковник **Бозор Астонов,** ушбу марказ хизматчиси **Б. Бойко,** вилоят ИИБ ЁХБ ёнғин-техник лабораторияси катта омилкори, **кичик сержант С. Астанов,** Навоий вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, **катта лейтенант Иззат Собиров,** Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ катта инспектори, **кичик сержант Рустам Рўзиев,** Когон тумани ИИБ ЁХГ катта инспектори, **майор А. Турдиев** шу мавзуда хат йўллаб, жойларда рўй бераётган ёнғинларнинг сабаби, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ёзиб юборишган.



«Гиёҳвандлик жаҳон миқёсидаги глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу иллат инсон соғлиғига зиён етказибгина қолмай, жамиятимиз учун ҳам хавфлидир. Шу боис, туман ИИБ ходимлари гиёҳвандликка қарши курашга кенг жамоатчиликни жалб этишаяпти», дейилади Ромитан тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, **капитан Ўткиржон Бадаловнинг** мактубида. Андижон вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, **майор Анваржон Парпиев,** Қарши тумани ИИБ ТБ бошлиғи, **майор Ш. Жаҳонгиров,** Учқудуқ тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, **катта сержант Абдиҳошим Зиёдинов,** истеъфодаги подполковник **Қўзи Давлетов,** Хўжаобод тумани прокурори ёрдамчиси **Ф. Тўхтасинов** юртимизда истиқомат қилаётган фуқароларни ушбу офатга қарши курашда ҳамкорлик қилишга чорлайди.

Хатлар ичида ички ишлар ходимларининг содир этилган жиноятларни фош этиш борасидаги фаолияти акс эттанлари ҳам талайгина. Қарши шаҳар ИИБ ВЕОҲООГ катта инспектори, **майор Б. Қодиров** ўсмирлар орасида юз бераётган жиноятлар тафсилотларини баён қилиб, уларнинг олдини олиш бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашган. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидан **Ф. Насруллаев, журналист Майсара Қўйлиева,** Бухоро шаҳар ИИБ ТБ бўлинма бошлиғи, **катта лейтенант Акрам Чориев** мўмай даромад топаман деб, ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрган, фирибгарлар тузоғига илиниб, алданиб, соғлиғидан ажраб, ночор аҳволда уйларига қайтган фуқароларнинг аянчли тақдирини қаламга олишган. Бундай мулоҳазалар барчамизни огоҳликка, ҳушёрликка ундайди.

Андижон шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, **майор Нилуфар Мўминованинг** мақоласида ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашдаги маҳорати баён қилинса, Ромитан тумани ИИБ ЙПХ инспектори **Учқун Адизов,** Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ИИБ ЙҲХГ инспектори, **капитан Муроджон Зиддинов,** Улуғнор тумани ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, **майор Ғуломжон Абдуллаевнинг** хабарларида соҳа ходимларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги самарали фаолияти ҳақида гап боради.

Таҳририятта келаётган хат-хабарлар орасида ИИВ ЖИЭББ тизимидаги муассасалар ходимлариники ҳам талайгина. Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасаси шахсий таркиб бўйича бошлиқ ёрдамчиси, **капитан З. Бобоқулов,** Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасасидан **катта лейтенант Рустам Мухторов,** шу тизимдаги муассаса тарбиявий бўлим бошлиғи, **майор Уйғун Жонизоқовлар** маҳкумлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида мулоҳаза юритишган. Бухоро вилояти ИИБ ЖИЭБ 3-тергов ҳибсхонаси кичик инспектори, **кичик сержант М. Бехбутова** эса ўз мақоласида тергов ҳибсхонасида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қабул қилиш хонаси янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилгани, бундай ишлар ўз навбатида инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани ҳақида фикр юритган.

Шунингдек, журналист **Азамат Суюнов,** «Экосан» халқаро ташкилоти маслаҳатчиси **Миркарим Мирсовуров,** Қашқадарё вилоятидан **Турди Ҳайдаров, Ж. Тиллаев, Майсара Қўйлиева,** Иштихон тумани ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, **катта лейтенант Шавкат Мардиев,** Хоразм вилоятидан **Ромеш Қурбонбоев,** Навоий вилояти ИИБ тиббиёт бўлими катта эпидемиолог-шифокори **Ҳ. Алиқулов,** Термиз шаҳридан **Қўзибой Абдужалилов** ҳам турли мавзуларда материаллар йўллашган. Биз газета саҳифаларини кузатиб бориб, муносабат билдираётган, нашримиз рангбаранг чиқишига ўз ҳиссасини қўшаётган барча муаллиф ва муштарийларга миннатдорчилик билдириб қоламиз.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

САХОВАТ

## ТОМОШАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Фармойишига асосан ИИВ Ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда хайрия концертлари ўтказиш режалаштирилган. Белгиланган режа асосида ансамбль иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида бўлиб, ички ишлар идоралари ходимлари, шунингдек, фахрийлар ва хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига катта концерт дастурини намойиш этишди. Томошалардан тушган маблағлар хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оила аъзоларига хайрия қилинди.

ИИВ Ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижросидаги хайрия концерти бошқа вилоятларда давом этади.

**Ўз мухбиримиз.**



**Суратда:** *хайрия концертидан лавҳа.*

ЭЪЛОН!

## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИГА МАРҲАМАТ!

**Азиз ватандошлар, Сизларни 9-10 май кунлари «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Истиқлол» санъат саройида халқимиз тинчлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказиладиган хайрия концертига таклиф этамиз.**

**Концертдан тушган маблағ ўз хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оилаларини қўллаб-қувватлаш учун сарфланади.**

**Дастурда жонли ижро ва фонограммадан фойдаланилади.**

АКС САДО

## УЙҒУНЛАШИБ БОРАЁТГАН ТАМОЙИЛ

**Инсонийлик... Киши қаерда бўлмасин, қандай мартабага эришишидан қатъи назар унга доим ҳамроҳ. “Постда” газетасининг шу йил, 28-март сонида эълон қилинган “Қимматга тушган шилқимлик” сарлавҳали мақолани ўқиб, шундай қарорга келдим.**

Мақола “қаҳрамони” Шерзод Бакиров аслида маънавий қашшоқ инсон. Шунинг учун у фариштадек пок, оддий бир қизнинг меҳрини қозона олмади. Муҳаббати рад этилди. Мақсадига эришиш учун эса ножўя хатти-ҳаракатлардан тоймади. Қизга дўқпўписа, ҳатто туҳмат қилишгача борди. Иймонли, мард йигит бундай йўл билан меҳр қозонмайди. Шукрки, юртимизда адолатли қонунларимиз устувор. Шерзод Бакиров қилмишига яраша муносиб жазо олди.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Уни қўшни туманда хизмат қилувчи ҳамкасбим айтиб берган эди. Ҳуқуқ-тартибот идорасига олийгоҳда дарс бераётган эътиборли олимлардан бирининг устидан шикоят тушади. Аёлнинг ёзишича, кекса ўқитувчи гўё унга ола кўз билан қараган эмиш. Қуда-андали, неварали киши учун бу жуда иснод эди, албатта. Бир умр талабаларни эзгуликка бошлаган, маънавиятдан сабоқ бериб келган устоз бугунги кунда ахлоқсизликда айбланса?! Уни туҳмат балосидан халос қилиш учун олийгоҳ жамоаси ёппасига оёққа туради. Талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар қўллаб-қувватлашади. Шикоят хати атрофлича текширилганда мансабга эгалик қилиш мақсадида домлага туҳмат уюштирилгани аниқланди.

Инсонни турли йўллар билан таҳқирлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Юртимизда инсонийлик тамойиллари тобора уйғунлашиб бораётган экан, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

**Рустам САЪДУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**

ISSN 2010-5355

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS:
**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o‘rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma J-7246. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57359 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.**